# XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI

# QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2022 - yil 30 - dekabr VI-69-211-2-41-K/22 Shofirkon tuman hokimligi

## Шофиркон туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

## ҚАРОР ҚИЛДИ:

1.Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонунига мувофиқ, Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 87 516,0 млн.сўм, харажатлари 232 956,5 млн.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 145 440,5 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3.2023 йил учун Шофиркон тумани ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2024-2025 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2023 йил учун туман маҳаллий

бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4.2023 йил учун туман бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман бўйича ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7.2023 йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳажми 2197,7 млн сўм миқдорида белгилансин.

туман бюджетининг 2023 йил учун тегишли бюджет тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун бюджетнинг захира жамғармаси миқдорига аниқлаштириш киритилмаслиги инобатга олинсин.

9.2023 йил учун туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10.Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2023 йилда

халқ депутатлари Кенгашини маҳаллий бюджетни бошқаришда, бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг улушига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинсин.

б) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети

ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-409-сон қарорига асосан 2023 молия йилидан бошлаб:

а) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилиши;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар)лар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм маблағ режалаштирилиши белгиланганлиги;

г) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12.Туман ҳокимининг молия – иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов), Давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) туман ҳокими ўринбосарлари ва масъул ташкилотлар билан биргаликда:

бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали

бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

маҳаллий бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

13.Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш;

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш;

Кадастр агентлиги туман бўлими билан биргаликда туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

14.Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш минтақавий инспекцияси ҳамда туман ҳокими ўринбосарлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

15.Мажбурий ижро бюроси туман бўлими (А.Джалилов) Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриб боришни таъминласин.

16.Давлат активларини бошқариш агентлигининг туманда бириктирилган вакили (А.Қамаров) туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлими билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра туманда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auksion» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштирсин.

17.Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов), туман молия бўлими (Н.Наимов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

18.Туман ҳокими тегишли ўринбосарлари ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

19.Туман ирригация бўлими (Ф.Аминов) ва туман давлат солиқ инспекцияси (А.Холмуродов) туман ҳокими тегишли ўринбосарлари билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетга тўлиқ ундириб олиш чораларини кўрсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

20.Туман ички ишлар бўлими (А.Исмоилов), туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими, Мажбурий ижро бюроси туман бўлими (А.Джалилов), Давлат хизматлари агентлиги туман бўлими (Ҳ.Одилов) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

21.Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этиладиган таклифларини белгиланган муддатларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатиш, тавсиялар бериш ва мониторинг қилиш;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

22.Туман ҳокими ўринбосарларига:

туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтиришни;

бунда, халқ депутатлари туман Кенгаши, ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни тавсия этиш;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш топширилсин.

23.Туман ҳокимининг молия – иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича халқ депутатлари туман Кенгашига чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

24.Мазкур қарор “Шофиркон овози” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

25.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

26.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

**Sessiya raisi** **A.A.Obidov**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-69-211-2-41-K/22-son qaroriga
1-ilova

# Шофиркон туманининг 2023 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2024-2025 йилга мўлжаллари

| № | Кўрсаткичлар | 2023 йил учун прогноз | Мўлжал | |
|---|---|---|---|---|
| | | | 2024 йил | 2025 йил |
| 1. | Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда | 111,0 | 112,4 | 116,8 |
| 2. | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда | 103,2 | 103,8 | 104,9 |
| 3. | Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда | 109,4 | 110,3 | 110,1 |

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-69-211-2-41-K/22-son qaroriga
2-ilova

**Шофиркон туман маҳаллий бюджети даромадларининг**
**2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари**

млн.сўм

| № | Даромад тури | Шофиркон тумани |
|---|---|---|
| **I.** | **Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад** | **15 827,250** |
| | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | *63 309,000* |
| | ажратма меёри | *25,000* |
| 1. | маҳаллий бюджетга | 15 827,250 |
| | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | *24 152,000* |
| | ажратма меёри | ***0,000*** |
| 2. | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| **II.** | **Бириктирилган даромадлар** | **42 003,500** |
| | **Туман ва шаҳарларга бириктирилган** | **34 168,000** |
| 1 | Айланмадан олинадиган солиқ | 7 571,000 |
| 2 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД) | 1 240,000 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 11 548,000 |
| 4 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда | 8 014,000 |
| 5 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 5 707,000 |
| 6 | Ижара тўловлари | 88,000 |
| | **Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар** | **7 835 500,000** |
| 1 | Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС) | 22 877,000 |
| | ажратма меёри | *0,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| 2 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 1 824,000 |
| | ажратма меёри | *50** |
| | маҳаллий бюджетга | 866,000 |
| | ***Вилоят ДСБ*** | *1 732,000* |
| | *ажратма меёри* | *50,000* |
| | *маҳаллий бюджетга* | *866,000* |
| | ***МРИ*** | *92,000* |
| | *ажратма меёри* | *0,000* |
| | *маҳаллий бюджетга* | *0,000* |
| 3 | Юридик шахслар ер солиғи | 8 237,000 |
| | ажратма меёри | *50** |
| | маҳаллий бюджетга | 3 991,500 |
| | ***Вилоят ДСБ*** | *7 983,000* |
| | *ажратма меёри* | *50,000* |
| | *маҳаллий бюджетга* | *3 991,500* |
| | ***МРИ*** | *254,000* |
| | *ажратма меёри* | *0,000* |
| | *маҳаллий бюджетга* | *0,000* |
| 4 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 2 978,000 |
| | ажратма меёри | *100,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 2 978,000 |
| 5 | Йиғимлар | 2 335,000 |
| | ажратма меёри | *0,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| 6 | Бошқалар | 0,000 |
| | ажратма меёри | *0,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| | **Вилоят бюджетига** | **0,000** |
| 1 | Давлат божлари | 5 868,000 |
| | ажратма меёри | *0,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| 2 | Давлат ташкилотлари фойда солиғи | 0,000 |
| | ажратма меёри | *0,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| 3 | Жарималар | 3 712,000 |
| | ажратма меёри | *0,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| 4 | Хусусийлаштириш | 1 500,000 |
| | ажратма меёри | *0,000* |
| | маҳаллий бюджетга | 0,000 |
| **III.** | **Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)** | **29 685,242** |
| | *Аҳоли сони (минг киши)* | *182,800* |
| 1 | Акцизный налог на алкоголь (в т.ч. пиво) | 12 009,202 |
| 2 | Акцизный налог на мобиль связь | 5 151,249 |
| 3 | Акцизный налог на табачные продукт | 12 524,791 |
| | *Маълумот учун: 2022 йил параметр* | *73 972,560* |
| | **ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР** | **232 956,501** |
| | **ТРАНСФЕРТЛАР** | **145 440,509** |

| | | |
|---|---|---|
| **Жами даромадлар** | | **87 515,992** |

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-69-211-2-41-K/22-son qaroriga
3-ilova

# 2023 йил учун Шофиркон тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

млн.сўмда

| № | Бюджет маблағларини тақсимловчилар номи | 232 956,5 |
|---|---|---|
| 1 | Туман халқ таълими бўлими | 10 196,0 |
| 2 | Туман мактабгача таълим бўлими | 18 127,3 |
| 3 | Туман Тиббиёт бирлашмаси | 84 797,3 |
| | Маданият бўлими | 4 997,4 |
| 4 | Жисмоний тарбия ва спорт | 5 777,1 |
| 5 | Қишлоқ хўжалиги бўлими | 1 480,5 |
| 6 | Ирригация бўлими | 2 545,8 |
| 7 | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими | 1 960,9 |
| 8 | Бандлик ва мехнат муносабатлари бўлими | 928,2 |
| 9 | Молия бўлими | 1 772,4 |
| 10 | Хокимият | 86 370,1 |
| 11 | Халқ қабулхонаси | 1 073,8 |
| 12 | Халқ депутатлари Кенгаши котибияти | 232,3 |
| 13 | Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими | 4 994,8 |
| 14 | Хотин қизлар бўлими | 3 023,2 |
| 15 | Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими | 4 679,4 |

Xalq deputatlari Shofirkon tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-69-211-2-41-K/22-son qaroriga
4-ilova

**Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига 2023 йилдаги ажратмалари меъёрлари**

*фоиз ҳисобида*

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | Айланмадан олинадиган солиқ | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ* | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Юридик шахслар ер солиғи* | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Шофиркон тумани | 0 | 100 | 25 | 100 | 0 | 50 | 100 | 50 | 100 |

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Ер қаъридан фойдаланган-лик учун солиқ (норуда материаллари) | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Давлат божлари | Жарималар | Йиғимлар | Давлат ташкилотлари фойда солиғи*** | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | Хусусийлаш-тириш | Бошқалар**** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Шофиркон тумани | 100 | 100 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

Изоҳ::* *йирик солиқ тўловчилардан тушган тушумлар тўлиқ вилоят бюджетига йўналтирилади.*

** *Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 3111104, 3111106, 3111300, 3111600, 3111800 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.*

*** *Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмалар бўйича 3412110, 3412112 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ вилоят бюджети даромадларига йўналтирилади.*

**** *Ҳукумат қарорлари билан белгиланган нормативларга асосан тақсимланади.*

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-69-211-2-41-K/22-son qaroriga
5-ilova

## Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

млн.сўмда

| Бюджетлар номи | Даромад * | Харажат |
|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **86 876,0** | **232 956,5** |
| Шофиркон тумани | 86 876,0 | 232 956,5 |

** мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-69-211-2-41-K/22-son qaroriga
6-ilova

## Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори

млн.сўмда

| **Шаҳар ва туманлар** | **Тартибга солувчи трансферт миқдори** |
|---|---|
| **ЖАМИ** | **146 080,5** |
| Шофиркон тумани | 146 080,5 |

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-69-211-2-41-K/22-son qaroriga
7-ilova

## Туман маҳаллий бюджетида 2023 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

млн.сўмда

| Т/рҲудуд номи | Миқдор |
|---|---|
| **ЖАМИ** | **1 380,0** |
| 1 Шофиркон тумани | 1 380,0 |